2019 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (13.851)

Баҳоси эркин нархда

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни жорий йилги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йил мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинди.

2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳалар киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жумладан, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Видеоселектор йиғилишида ушбу йирик ва муҳим лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этмоқда. Хусусан, жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни сўзсиз амалга ошириш, чет эллик инвесторларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади. Инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охирги ойларига суриш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда буни биринчи ярим йилликда камида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борадаги вазифалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича таҳлил қилинди. Хорижий инвестициялар улуши ўтган йилдагига нисбатан камайган соҳа ва тармоқлар кўрсатиб ўтилди. Йил охирига қадар қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, уларни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талаб юқори бўлган соҳа ва ҳудудларга йўналтириш, ушбу ресурсларнинг ўзлаштирилишини назоратга олиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу борадаги ишлар натижасида ўтган йили 1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган, 133 та янги корхона ишга туширилган. Бироқ ҳокимлар ва уларнинг инвестиция бўйича ўринбосарлари ишни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйгани оқибатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида айрим объектлар фойдаланишга топширилмай қолган.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларда юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ва ижросини назоратга олиш юзасидан топшириқ берди.

Жорий йилда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида 209 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилиб, 1,9 миллиард доллар ёки ўтган йилдагига нисбатан 2 баробар кўп маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Йиғилишда шу ва мамлакатимиз элчилари кўмагида шакллантирилган қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир ҳудудга республика идоралари раҳбарлари масъул этиб бириктирилди.

Эндиликда ҳудудлар ва тармоқларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар кўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат механизмини ўрнатиш учун янги тизим ташкил этилиши маълум қилинди. Унга мувофиқ:

биринчи – вилоят ҳокимлари ҳар ҳафтада биттадан туман ёки шаҳарга бориб, элчилар билан алоқа ўрнатган ҳолда, у ерга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўради. Худди шундай тармоқ раҳбарлари ҳам ҳар ҳафтада битта вилоятга бориб, ўша жойдаги корхоналари билан бирга амалдаги лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш ва қўшимча инвестиция лойиҳалари бўйича ишни ташкил этади. Зарур ҳолларда маҳаллий раҳбарлар ва тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни ўргатади. Бош вазир ва унинг ўринбосари элчилар иштирокида ҳудудлар ва тармоқларга жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини мунтазам муҳокама қилиб боради. Натижаларига қараб, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарлари рағбатлантирилади ёки уларга нисбатан иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида жарима қўлланади.

Ҳудудларга бириктирилган республика идоралари раҳбарлари вилоят ҳокимлари ва элчилар билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини ўрганиб, уларнинг ижросини жадаллаштириш бўйича аниқ чоралар кўради. Шунингдек, қўшимча лойиҳалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва хорижий инвесторларни жалб қилади.

Иккинчи – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини умумлаштириб, самарадорлигини баҳолайди ва ягона электрон "онлайн" базани шакллантиради.

Учинчи – Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ҳудудларга бириктирилган элчилар ягона электрон базага киритилган лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилади.

Тўртинчи – Вазирлар Маҳкамаси саралаб олинган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар билан тегишли келишувларни расмийлаштириш чораларини кўради ва ижросини назоратга олиш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлайди.

Шавкат Мирзиёев янги лойиҳаларга инвесторларни жалб қилишни янада фаоллаштириш учун ҳар йили барча ҳудудларда камида бир марта хорижий сармоядорлар иштирокида инвестиция форумлари ўтказиш, шунингдек, хориждаги йирик халқаро инвестиция форумларида юртимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлигига жорий йилда ҳудудларда ташкил этиладиган инвестиция форумлари режа-жадвалларини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берди.

– Энг муҳими, инвестиция лойиҳаларини тўғри жойлаштириш керак. Бу борада инвесторларнинг ягона талаби – лойиҳа мўлжалланган жой зарур инфратузилма тармоқларига эга бўлишидир. Шунинг учун яқинда урбанизация жараёнини такомиллаштириш бўйича Президент қарорини қабул қилдик. Бундан асосий мақсад – инфратузилма мавжуд ва ривожланиши қулай бўлган жойларга инвесторлар жалб қилинса, саноатнинг тизимли ривожланишига эриша оламиз. Саноат бор жойда иш ўринлари ва даромад бўлади, уй-жойлар, ижтимоий объектлар, шаҳарчалар барпо этилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим масала – хорижий инвесторлар лойиҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи муҳокама қилинди. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда тижорат банклари хорижий банкларнинг жами 740 миллион доллар тўғридан-тўғри кредитларини жалб қилиши белгиланган. Йиғилишда узоқ муддатли, паст фоизли тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларини жалб қилиш ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида ишончли лойиҳалар портфелини шакллантириб бориш тизимини яратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Жорий йилда 84 та лойиҳа доирасида халқаро молия институтлари ва донорларнинг 2,7 миллиард доллар маблағини ўзлаштириш кўзда тутилган. Йиғилишда бу лойиҳалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари кесимида таҳлил қилиниб, уларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 2 минг 800 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг ҳаёт сифатига дахлдор бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш объектлари, йўллар, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича белгиланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ижросини ташкил этиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Шу билан бирга, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда секторлар деб юритилади) фаолияти мониторинги бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, секторлар фаолиятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда сектор аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришда сектор раҳбарларининг зарур ташкилий ва молиявий ваколатларга эга эмаслиги секторларнинг тўлиқ фаолият юритишида ҳамда муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда қийинчиликлар туғдирмоқда;

иккинчидан, республика миқёсида секторлар ишини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги секторлар фаолияти бошқарувида тарқоқликни юзага келтирмоқда ҳамда ҳудудларда секторлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари нормаларининг турлича талқин қилинишига олиб келмоқда;

учинчидан, секторларда ўрганишлар натижалари умумлаштирилмаётганлиги, статистик ҳисоботларни юритиш амалиёти ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилмаганлиги амалга оширилган ишларни аниқ сарҳисоб қилишга ва муаммоларни тизимлаштиришга имконият бермаяпти;

тўртинчидан, секторлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тартибининг мураккаблиги, тизимли равишда улар малакасини ошириш механизмининг жорий этилмаганлиги, сектор аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг йўлга қўйилмаганлиги улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини ошириш, аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш ҳамда секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **секторлар штаби таркибига киритиладиган идора ва ташкилотларнинг намунавий рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **секторлар штаби таркибига киритиладиган идора ва ташкилотларнинг намунавий рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволини ўрганишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади)га (А.Н.Арипов) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида секторларнинг "туман (шаҳар) – вилоят – республика" тамойили асосида уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар ва солиқ идораларида вертикал бошқарув тизимини жорий этиш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

"Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига асосан Ўзбекистон Экологик партияси ташкил этиш бўйича мамлакатимиз фуқароларидан иборат ташаббускорлар гуруҳи шакллантирилган эди.

8 январь куни пойтахтимизда мазкур янги партиянинг таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Экологик партиясини таъсис этиш, партия устави ва дастурини тасдиқлаш, марказий кенгаши, марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Атроф-муҳитга ножоиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш ва экологик талабларни менсимаслик оқибати ҳамиша фожиали бўлган. Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик фожиа фикримиз далилидир. Натижада Оролбўйи ҳудудида чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули бошланди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди ёмонлашди, биологик хилмахиллик қисқарди, кўп миқдордаги саноат, маиший ва бошқа чиқиндилар ҳосил бўла бошлади. Табиийки, бу ҳудудда инсон яшаши учун ниҳоятда оғир муҳит пайдо бўлди. Бу каби муаммолар иқлим ўзгариши содир бўлаётган шароитларда янада яққол намоён бўлмоқда. Жамоат ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўз олдига шу каби ғоят долзарб муаммоларга ечим топишдек вазифаларни қўйган.

– Атроф-муҳитга эътиборсизлик билан муносабатда бўлишимиз, табиат қонунларини билиб-билмай бузишимиз оқибатида сайёрамизнинг кўриниши тобора ўзгариб, таназзулга юз тутмоқда, – деди Ўзбекистон Экологик партиясини тузиш бўйича ташкилий қўмита раиси Борий Алихонов. – Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ичимлик сувининг танқислиги, яшил ҳудудларнинг кундан-кунга камайиб бориши кузатилмоқда. Табиатдаги биохилма-хилликка, атроф-муҳитга путур етмоқда. Табиат эса инсоният йиллар давомида етказган ва етказаётган антропоген таъсирнинг жавобини аллақачон қайтариш босқичига ўтган. Ўрмон ёнғинлари, сув тошқинлари, қурғоқчилик, даҳшатли бўронлар кузатилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Парламент қуйи палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси 2018 йилдаги фаолияти якунлари ва истиқболдаги режаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида депутат ва сенаторлар фаолиятига таҳлилий нуқтаи назардан ёндашилиб, ўта муҳим ва устувор таклифлар берилган эди. Қўмита ҳам ўз фаолиятини давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган қонунчиликни янада такомиллаштириш борасидаги кўрсатма ва йўналишларга таянган ҳолда олиб бормоқда.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, қўмита 2018 йилда қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, мутахассислар, олимлар, амалиётчилар ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, парламент назоратининг турли шакларини амалга ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратди. 2018 йилги иш режасида қонун ижодкорлиги йўналишида 9 та қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, амалда 10 та қонун устида иш олиб борилди. Қувонарлиси, қабул қилинган 10 та қонун ҳужжатидан 6 таси қўмита аъзоларининг депутатлик ташаббуси асосида ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Наманган вилояти кенгашида "Инсон қадри улуғ, хотираси – муқаддас" шиори остида "Уч авлод учрашуви" тадбири бўлиб ўтди. Унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги раҳбарияти, миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган офицерлар, "Ватанпарвар" ташкилоти ўқув муассасаларининг курсантлари, кенг жамоатчилик ва журналистлар иштирок этди.

● Бухоро вилояти Ромитан туманидаги газчилар ва нефтчилар маскани – Газли шаҳрида аҳолининг уйжой шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги йил байрами шукуҳи кезиб юрган шу кунларда "Газли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2 сотихлик 10 та 3 хонали уй фойдаланишга топширилди. Замонавий янгиланган лойиҳалар асосида қурилган уйлар ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар учун ҳамёнбоплиги билан аҳамиятлидир.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани Манғит шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида янгидан қад ростлаган замонавий ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Сув ҳавзасининг смета баҳоси 4 миллиард 876 миллион сўм бўлиб, объектда 11х25 метр ўлчамдаги сузиш ҳавзаси, мураббий ва шуғулланувчилар учун ювиниш, кийиниш, дам олиш хоналари ҳамда томошабинлар учун ўриндиқлар мавжуд.

● Тошкент вилоятида жисмоний имконияти чекланган аъзолари бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож 100 оилага янги уйлар калити топширилди.

ЖАҲОНДА

● Таиландга хуруж қилган "Пабук" тропик бўрони катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Жумладан кучли бўрон натижасида бир нечта қишлоқларни сув босди, бир киши ҳаётдан кўз юмди, минглаб одамлар дунёга машҳур курортларни вақтинчалик тарк этишга мажбур бўлишди.

● АҚШ кино маркази ҳисобланмиш Голливудда кино оламидаги нуфузли "Олтин глобус" мукофотларини топширишга бағишланган 76-маросим бўлиб ўтди. Унда киноленталар орасида бош мукофотга "Юлдуз туғилди" ҳамда "Богема рапсодияси" каби фильмлар даъвогарлик қилган бўлсада, бироқ олий соврин иккинчи лентага насиб этди. Шунингдек, тадбир давомида энг яхши эркак ва аёл актёрларга ҳам "Олтин глобус" мукофотлари тақдим этилди.

● Германияда мамлакат армияси – Бундесверга Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатларнинг фуқаролари, яъни хорижликларни қабул қилиш жараёни амалга оширилади-ган бўлди. Маълумотларга кўра, тез орада Польша, Руминия ва бошқа мамлакатларнинг 50 мингга яқин ҳарбийлари Бундесвер таркибига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳар чоракда камида бир маротаба Комиссия йиғилишида секторлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни таҳлил этиш, секторларда амалга оширилаётган ташкилий-амалий чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш ҳамда секторларнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш юзасидан таклифларни муҳокама қилиш;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича республика даражасида ечиладиган муаммоларни ҳал этишга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

секторлар раҳбарларининг фаолиятини ҳудудларнинг ривожланиш аҳволидаги реал ўзгаришлардан ва бошқа ҳаққоний мезонлардан келиб чиқиб холисона баҳолаш;

ҳар бир ҳудудда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳудудий ва республика "йўл хариталари" ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, уларда назарда тутилган тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоралар белгилаш;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича манзилли топшириқлар белгилаш ҳамда уларнинг ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот ва алоҳида ўрнак кўрсатган секторлар раҳбарлари, давлат органларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Комиссиянинг ишчи органини белгиласин.

3. **2019 йил 1 февралдан қуйидаги тартиб жорий этилсин**:

юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш ва секторларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун секторлар штаби таркибига киритилган идора ва ташкилотларнинг ҳар бир сектор бўйича масъул ходимлари (кейинги ўринларда – сектор штаби аъзолари) сектор раҳбари билан келишилган ҳолда бириктирилади ва алмаштирилади;

секторлар штаби фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадида сектор раҳбари бошчилик қиладиган идора (ташкилот)дан сектор штаби котиби (кейинги ўринларда котиб деб юритилади) сифатида алоҳида ходим бириктирилади. Бунда котиб асосий иш жойидан ажралган ҳамда лавозим маоши сақлаб қолинган ҳолда фаолият кўрсатади;

котибга бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фондига ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳар ойда қўшимча равишда лавозим маошининг эллик фоизигача миқдорда устама ҳақ тўланади;

туманлар (шаҳарлар) секторлари раҳбарлари ҳар ҳафтада камида бир маротаба, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар секторлари раҳбарлари эса ҳар ойда камида икки маротаба жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахслар билан уларнинг ижтимоий масалалари ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари билан тегишли фаолият соҳалари кесимида қабуллар ўтказади;

сектор ишида фаол қатнашган сектор штаби аъзолари ҳар чорак якунлари бўйича маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан рағбатлантирилади;

секторларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун сектор раҳбарларининг асослантирилган сўровларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар)нинг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағлар мақсадли йўналтирилади.

Бунда сектор раҳбарларининг сўровлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида атрофлича муҳокама қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат, ҳудудий, шу жумладан, инвестиция дастурларига киритилмаган, тегишли ҳудуддаги кўпчилик аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга эътибор қаратилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари доимий равишда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан секторлар фаолиятининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, секторлар штаблари фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, улар учун ажратилган биноларни сақлаш ва бошқа харажатларни қоплашни таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари ҳамда туманлар (шаҳарлар) иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари зиммасига қўшимча равишда қуйидаги вазифалар юклатилсин:

секторлар фаолиятига оид маълумотларни жамлаш, улар томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва юритиш;

секторлар фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;

секторларда амалга оширилган ишларни тизимли таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликлар, бажарилмаган тадбирларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда "йўл хариталари"ни шакллантириш;

секторларда аниқланган муаммолар ва уларни ҳал этиш натижалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига ахборотларни тайёрлаш.

6. **2019 йилнинг 1 апрелидан қуйидагиларни қамраб олувчи республика бўйича ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – республика ахборот тизими) жорий этилсин**:

уйма-уй юриш, ўтказилган суҳбатлар, келиб тушган мурожаатлар натижасида аниқланган муаммолар ва уларнинг ҳал этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ижтимоий соҳа ва бошқа объектлардаги мавжуд ҳолатларни ўрганиш натижасида аниқланган муаммо ҳамда уларнинг ҳал этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

секторлар фаолияти юзасидан электрон статистик ҳисобот шакллари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича "йўл хариталари" ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда республика ахборот тизимини ишлаб чиқишни ҳамда "Hudud" ахборот тизимига алоҳида модуль сифатида интеграция қилишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар чорак якунлари бўйича республика ахборот тизимига киритилган ҳал этилмаган муаммо ва таклифларни умумлаштириб, таҳлил қилиб ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда давлат, ҳудудий, шу жумладан, инвестиция дастурларига киритиш тўғрисида асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти республика ахборот тизими юритилиши устидан тизимли назоратни амалга оширсин ва республика ахборот тизимига киритилган ҳал этилмаган муаммо ва таклифларни давлат, ҳудудий, шу жумладан, инвестиция дастурларига киритиш чораларини кўриб борсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) секторлар раҳбарлари республика ахборот тизимига маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ киритиб борилиши учун шахсан масъул этиб белгиласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимини танқидий кўриб чиқиб, сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг соддалаштирилган тизимини жорий этсин;

йил якунларига кўра фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган секторларни рағбатлантириш мақсадида **"Энг намунали сектор", "Энг ташаббускор сектор раҳбари", "Энг фаол сектор штаби аъзоси"** номинациялари бўйича республика танловини ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда шундай тартиб ўрнатилсинки, ҳар йилнинг 15 январига қадар Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар бир тизим бўйича:

сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимига мувофиқ, уларнинг ўтган йилда амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, умумий йиғилишда муҳокама қилинади;

баҳолаш натижасига кўра, энг юқори кўрсаткичга эришган 2 нафар сектор раҳбари автотранспорт воситаси билан тақдирланади, секторлар фаолиятини намунали ташкил этган раҳбарлар ва унинг ишида фаол қатнашган бошқа штаб аъзолари қимматбаҳо совғалар билан мукофотланади;

фаолияти самарасиз деб баҳоланган сектор раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

13. Белгиланисинки, автотранспорт воситалари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш харажатлари тегишлича Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан молиялаштирилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси раҳбар кадрлар захирасига олинган ходимлар учун малака ошириш курсларининг таълим дастурларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид ўқув соатлари ажратилишини таъминласин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари икки ҳафта муддатда секторлар штаби таркибини Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар штабига киритиладиган идора ва ташкилотларнинг намунавий рўйхатига мувофиқ қайта тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сонли қарори билан тасдиқланган Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси У.С.Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 январь

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЕНГИЛ ТУРДАГИ ҚУРИЛМАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН МУДДАТЛИ (ВАҚТИНЧАЛИК) ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда) 5-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги "Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 20 август, 33-сон, 674-модда) ПФ-5511-сон Фармонига мувофиқ, Тошкент шаҳрида енгил турдаги қурилмаларни жойлаштириш учун муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини ажратиб беришни тартибга солиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, уларни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Енгил турдаги қурилмаларни жойлаштириш учун муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг енгил турдаги қурилмаларни жойлаштириш учун ер участкасини ажратиб бериш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқувчи ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда матнда – "Ишчи гуруҳ" деб юритилади) 2-иловага мувофиқ;

енгил турдаги қурилмани жойлаштириш схемаси акс эттирилган намунавий эскиз лойиҳаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Ш.Хаджизадаев), Тошкент шаҳар ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Д.Хидоятов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи (Ғ.Расулов), Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи (Б.Холматов):

Тошкент шаҳри ҳудудидаги ер участкаларини мониторингини пухта таҳлил қилиш натижаларига кўра, фойдаланилмаётган ер участкалари аниқлансин, кейинчалик, уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб бериладиган ер участкалари рўйхати шакллантирилсин;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида мурожаат таклифларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ фаолияти ташкил этилсин, ойдинлик ва ошкоралик тамойилларига риоя этилиши таъминлансин;

енгил турдаги қурилмаларни жойлаштириш учун муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини ажратиш тартиби тўғрисида низомнинг мазмун моҳияти расмий веб-сайтларга жойлаштирилиши таъминлансин.

3. Туман ҳокимлари, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (Б.Адилов), Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М.Тохиров):

харидорлар билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилишда фискал хотирали назорат-касса машиналари қўлланилиши мониторинг қилинсин;

банк пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминлансин;

атроф ҳудудни зарур тарздаги санитария ҳолатида сақланиши амалга оширилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Ш.Хаджизадаев):

ўн кунлик муддатда юридик ва жисмоний шахсларнинг енгил турдаги қурилмаларни жойлаштириш учун ер участкасини ажратиб бериш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқувчи ишчи гуруҳининг регламентини ишлаб чиқиб, тасдиқлансин;

енгил турдаги қурилмаларни жойлаштириш учун ер участкасини ажратиб бериш тўғрисида ариза берган юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилаётганлиги доимий муҳокама қилиб борилсин;

ҳар ҳафтада ариза берган юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларининг мониторинги ҳокимлик веб-сайтига жойлаштириб борилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 18 февралдаги "Тошкент шаҳридаги умумий фойдаланишдаги ер майдонларида енгил турдаги савдо, хизмат кўрсатиш ва мавсумий ишлайдиган умумий овқатланиш иншоотларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги 98-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хаджизадаев зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Ж.Артикходжаев

2019 йил 8 январь

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонун шулар жумласидандир. Мазкур қонун билан фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқоли) ваколат муддати икки ярим йилдан 3 йилга узайтирилди. Сайловларда кўпроқ фуқароларни жалб этиш мақсадида фуқаролар вакилларининг минимал нормаси белгиланди. Қолаверса, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир этиш имконини қолдирмаслик мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида яширин овоз бериш тизими ўрнатилди.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, қўмита томонидан 2018 йилда бир қатор назорат-таҳлил ишлари ҳам олиб борилди. Хусусан, 7 та қўмита эшитуви (давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш), 1 та қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ўрганиш ва 1 та қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг амалга оширилди. Масалан, таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг ахбороти эшитилиб, унинг якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2018 йилда қўмита аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 38 та депутат сўрови юборилди. Қўмита ўз фаолиятини бевосита жамоатчилик ўртасида муҳокамалар асосида ташкил этди. Шу мақсадда ўтган йилда 40 га яқин тадбир – конференция, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг 724 мурожаати кўриб чиқилди.

Матбуот анжуманида журналистлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳамда ёшларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Тадбир якунида қўмитанинг мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилиши лозим бўлган асосий фаолият йўналишлари юзасидан аниқ мақсадли вазифалар белгилаб олинди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳисоб-китобларга қараганда, 2025 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми, айниқса, Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Ғарбий Осиё аҳолиси сув ресурслари тақчил ҳудудлар сирасига кириб қолиши хавфи бор. Сув тақчиллигини бошидан кечираётган 10 мамлакатнинг 8 таси Яқин Шарқда жойлашган. Бу мамлакатларда кучли чўлланиш, ерости сувлари сатҳининг пасайиши кузатилади, аҳолиси эса қурғоқчилик азобини тортишга, сув ресурсларига эгалик қилиш борасида миллатлараро баҳсларга киришишга, ҳаёт манбаидан норационал фойдаланишга маҳкум.

Экологларнинг қайд этишича, сўнгги йилларда ҳавода атроф-муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи моддалар миқдори сезиларли даражада ошган. Агар вазият шу зайлда давом этса, 2100 йилга бориб сайёрамизда ҳарорат 5 даражага кўтарилади ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар янада чигаллашади. Бу исиш қор ва муз эришини тезлатади. Қор суви аввал дарё ва кўл, кейин денгиз ва океанларни тўлдириб боради, демак, океанлар сатҳи кенгаяди. Бу эса чучук сув манбаларини хавф остига қўяди, қирғоқбўйи фауна-флораси йўқолишига олиб келади.

– Хорижий давлатлар амалиётида экология соҳасидаги сиёсий партиялар жамият ҳаётида муҳим ўринга эга. Дунёнинг 100 га яқин мамлакатида экологик партиялар фаолият олиб боради, – деди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Экологик партияси таъсис съезди делегати Эркин Омонов. – Уларнинг аксарияти ўз мақсадларини давлат сиёсати даражасида илгари суради.

Делегатларнинг таъкидлашича, Экологик партия олдида катта ва масъулиятли ишлар турибди. Мамлакатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, аҳоли учун қулай экологик шароит яратиш ва ноёб табиатни сақлашга жамиятнинг барча кучларини сафарбар қилиш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, жамиятда экологик маданият даражасини кўтариш сингари долзарб вазифалар шулар жумласидандир. Шу боис, Экологик партия ёшларни табиат ва унинг ресурсларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш каби ишларга бел боғлаган, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган муаммоларни ҳал этиш, бу инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида амалий натижаларга эришиш ҳам бош мақсадидир.

Съездда Ўзбекистон Экологик партиясини таъсис этиш бўйича қарор қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 сиёсий партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сафига Ўзбекистон Экологик партияси ҳам қўшилди.

Партиянинг марказий кенгаши, назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Делегатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида Ўзбекистон Экологик партияси устави ва дастури лойиҳаси ҳамда съездда кўриб чиқилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, унинг раиси ва раис ўринбосарлари сайланди.

Борий Алихонов Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси этиб сайланди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Тошкент давлат стоматология институтида "Тиббиёт олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш масалаларига инновацион ёндашув" мавзуида ўқув-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда мамлакатимиз ва хорижий олий таълим муассасалари профессорлари, малака ошириш, илмий текшириш институтлари ходимлари, тиббиёт коллежлари ўқитувчилари, Инновацион ривожланиш вазирлиги мутахассислари иштирок этди.

Тошкент давлат стоматология институти ректори Ж.Ризаев ва бошқалар бугунги кунда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан таъсирчан саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Қисқа давр мобайнида аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи барпо этилди.

Мутахассислар маълумотига кўра, Тошкент давлат стоматология институти айни пайтда хорижий мамлакатларнинг элликка яқин нуфузли олий таълим муассасалари ва компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзолаган. 2018 йил давомида 50 дан ортиқ талаба ва 20 дан зиёд профессор-ўқитувчилар хорижда малака оширди. Ушбу ҳамкорлик дастурлари натижасида 2018/2019 ўқув йилидан Италиянинг Турин университети билан "Биотиббий муҳандислик" ва Москва давлат тиббиёт стоматология университети билан ҳамкорликда "Стоматология" факультетлари ташкил этилди. 2018 йил декабрь ойида Тошкент давлат стоматология институти делегациясининг Россияга ташрифи доирасида Оренбург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорлик дастурига асосан ташкил этилаётган "клиник-психология" йўналишидаги янги факультетга 2019/2020 ўқув йилидан талабалар қабул қилинади.

– Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони соҳада амалга оширилиши муҳим бўлган, йиллар давомида тўпланиб қолган тизимли камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Ҳ.Оқилов. – Мазкур анжуман ҳам айнан соғлиқни сақлаш тизимини инновацион ёндашув орқали ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Анжуманда тиббиёт соҳасини инновацион ёндашув орқали ривожлантириш борасидаги халқаро тажриба ҳам ўрганилди. Хорижий мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Тадбир кун давомида секцияларга бўлинган тарзда давом этди. Иштирокчиларнинг маърузалари, билдирилган фикр-мулоҳазалар тўплам ҳолида чоп этилади.

(ЎзА)

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

тегишли қонун 2019 йил 1 январдан кучга кирди

ҚҚСни ҳисоблаш жараёнидаги янгилик

2019 йил 1 январдан бошлаб харид қилинаётган асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва моддий активлар бўйича илгари уларнинг қийматига қўшиладиган ҚҚС суммаси ҳисобига киритиш мумкин бўлади.

Бунда зачёт ҳисобига киритиш тартиби актив турига қараб фарқланади:

– тадбиркорлик фаолиятида фойдаланадиган кўчмас мулк бўйича олувчи 36 календарь ой мобайнида;

– бошқа асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича – 12 календарь ой мобайнида ҚҚСни тенг улушда ҳисобга киритиш ҳуқуқига эга.

Агарда ушбу активлар ҚҚСни ҳисоблаш учун берилган давр якунлангунча сотилса, солиқнинг қолган суммаси тўлиқ ҳисобга қабул қилинади. ҚҚСни ҳисоблашнинг шунга ўхшаш тартиби мол-мулкни молиявий ижарага беришда, шу жумладан, лизингга беришда ҳам кўзда тутилган.

Бундай қоиданинг жорий қилиниши корхоналарга айланма маблағларни ошириш, шунингдек, амортизация суммасининг пасайиши ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини беради.

2019 йилнинг 1 январидан корхонанинг умумқабул қилинган солиқларни тўлаш, ҚҚСни ихтиёрий тўлашга ўтишида ёки имтиёзлар бекор қилинган ҳолатда ҚҚСни ҳисоблаш бўйича меъёр аниқлаштирилган. Эндиликда корхона ўтишни амалга оширган пайтдан бошлаб товар-моддий заҳиралар, узоқ муддатли активлар, шунингдек, тайёр маҳсулот қолдиқлари бўйича ҚҚС суммасини ҳисоблашга ҳақли.

Қуйидагилар бўйича ҚҚС ҳисобланмайди:

– 2019 йил 1 январигача харид қилинган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши якунланмаган объектлар бўйича;

– тадбиркорлик фаолияти давомида фойдаланилмайдиган ёки солиқ солинмайдиган айланмада фойдаланиладиган харид қилинган кўчмас мулк бўйича.

Счет-фактурага тузатиш киритилди

2019 йил 1 январидан бошлаб мобиль алоқа хизматлари бўйича акциз солиғи жорий қилиниши муносабати билан мобиль алоқа операторлари энди счет-фактурада қуйидагиларни акс эттиради:

– ўз хизматлари бўйича акциз солиғи ставкаси ва суммасини;

– акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган барча хизматлар қиймати (ҳажми).

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолчиси бўлган солиқ тўловчи корхоналар бундан буён счет-фактуранинг умумқабул қилинган шаклини тўлдириши керак, зеро, ушбу солиқ ўрнига акциз солиғи жорий қилинган.

ҚҚС бўйича ҳисобот даври деб бир ой ҳисобланади

2019 йил 1 январидан бошлаб ҚҚС бўйича ҳисобот даври деб бир ой ҳисобланади. Барча ҚҚС тўловчилари ҳисобни ошиб борувчи якунга кўра тақдим этиши ва солиқни ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмаган ҳолда, йил якуни бўйича – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган санада тақдим этиши керак.

Эслатиб ўтамиз, аввал кичик бизнес корхоналари – ҚҚС тўловчилари ҚҚС бўйича чорақда бир марта ҳисобот берган ва тўлаган.

ҚҚС-2019: солиқ тўловчилар давраси кенгайди, узоқ муддатли активларни ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тўлаш бўйича соддалаштирилган тартиб жорий қилинди

2019 йилдан бошлаб ҚҚСни тўловчилар давраси кенгайди. Айрим тоифалар учун ҚҚСни ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинди. Узоқ муддатли активлар бўйича энди ҚҚСни ҳисобга киритиш мумкин бўлади. Тегишли тузатишлар 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли қонун билан киритилган.

2019 йилдан бошлаб 1 млрд. сўм айланмаси бор корхоналар ҚҚС тўловчиларига айланди. 3 млрд. сўм айланмали корхоналар учун ҚҚСни тўлаш бўйича вақтинчалик соддалаштирилган тартиб жорий қилинди. Бундан буён асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши якунланмаган объектлар ҚҚСни зачётга қабул қилиши мумкин.

С-ҚҚС – "ўрта" бизнес учун янги солиқ

Солиқ кодексига 40^1 киритилган бўлиб, унга кўра қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича янги – соддалаштирилган тартиб жорий қилинмоқда.

Ялпи тушуми 2018 йилда уч миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар, 2019 йилда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича соддалаштирилган тартибни (С-ҚҚС) танлаш ҳуқуқига эга.

С-ҚҚСни тўлаш учун ушбу юридик шахслар солиқ ҳисобида турган давлат солиқ органини 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб бундан хабардор қилиши керак. Улар С-ҚҚСни 1 январдан бошлаб тўлайди.

С-ҚҚС қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг умумий тартибидан фарқланадими?

С-ҚҚСнинг умумий тартибдан (У-ҚҚС) асосий фарқлари қуйидагича:

	С-ҚҚС	У-ҚҚС
Товарлар, ишлар, хизматлар таъминотчиларига тўланган ҚҚСни ҳисоблаш имконияти	Бюджет билан ҳисоб-китобда "Кириш" ҚҚС ҳисобланмайди	Бюджет билан ҳисоб-китобда "Кириш" ҚҚС ҳисобланади
Солиқ ставкаси	Фаолият турлари бўйича табақалаштирилган ставкалар – 4 фоиздан 15 фоизгача	Барча соҳалар учун ягона ставка – 20 фоиз

Шу тарзда С-ҚҚС – бу илгари ЯСТни тўловчилар тўлаган айланмадан тўланадиган солиқ. Фарқи шундаки, ЯСТ корхона ҳисобидан тўланади, С-ҚҚС эса харидорга товарлар, ишлар ва хизматлардан ташқари белгиланади.

С-ҚҚС бир пайтнинг ўзида иккита вазифани ҳал қилади:

- йилига 3 млрд. сўм тушуми бор субъектлар учун унинг ҳисобланиши ва тўловини соддалаштиради;
- қийинчилик билан бўлса-да, мамлакат иқтисодиётида қўшилган қиймат солиғи занжири амал қилишига имкон беради.

Қўшилган қиймат солиғининг табақалаштирилган ставкалари (С-ҚҚС):

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ солинадиган базага солиқ ставкаси, фоизда
1.	2-4 бандларда кўзда тутилгандан ташқари иқтисодиётнинг барча тармоқлари юридик шахслари	7
2.	Умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхона хўжаликлари	10
3.	Профессионал хизмат кўрсатувчи юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳатлари бўйича хизматлар, консалтинг, брокерлик хизматлари ва ҳ.з.)	15
4.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни истисно қилган ҳолда	4

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Хабарлар

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Яккасарой тумани ҳокимлигида 2019 йилда туманда амалга оширилиши режалаштирилган инвестицион лойиҳаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва хорижий тадбиркор ҳамда инвесторлар иштирок этди.

2018 йилда туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 33,7 млн. АҚШ долларлик 9 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган эди. Амалда ушбу кўрсаткич 128 фоизга бажарилиб 43,1 млн. АҚШ долларлик инвестиция ўзлаштирилди.

2019 йилда ҳудудда умумий қиймати 1,885 трлн. сўмлик 21 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Шундан 12 та лойиҳага 136,3 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштириш кутилмоқда. Мазкур лойиҳаларга Буюк Британия, Германия, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Таиланд мамлакатларидан сармоялар жалб этилади.

Маълумот учун айтиш жоизки, ўтган йилда инвесторларга қулайлик яратиш мақсадида "Investition Hub" маркази ташкил этилган эди.

Марказдан инвесторлар туманда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда иншоотлар қуриш учун ер майдонлари тўғрисида батафсил маълумот олишлари мумкин.

Йиғилиш давомида иштирокчилар мутасаддилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

АВТОБУСЛАР ТАРКИБИНИ ЯНГИЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖга қарашли автосаройлардаги автобуслар таркибини янгилаш мақсадида юртимизда ишлаб чиқарилаётган катта сиғимдаги "MAN" ҳамда ўрта сиғимли "SAZ LE 60" автобуслари босқичма-босқич келтирилмоқда.

Бугунги кунга қадар йўловчилар учун зарур қулайликларга эга 40 та "MAN" ва 58 та "SAZ LE 60" автобуслари олиб келинган эди. Айни кунларда эса яна 14 та "SAZ LE 60" русумли автобуслар етказилди.

Жорий йилнинг январь ва февраль ойларида пойтахт автосаройларига яна 20 тадан "MAN" ҳамда 8 та "SAZ LE 60" русумли, жами 48 та янги автобуслар келтирилади. Истиқболда бу каби ҳаракат таркибининг янгиланиш жараёнлари давом этиши кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

"АВИАСОЗЛАР" БОЗОРИ ЎРНИДА ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ ҚУРИЛАДИ

Тошкентдаги "Авиасозлар" деҳқон бозори ўрнига янги мажмуа – савдо ва маиший хизмат маркази ҳамда автомобиль сақлаш жойи қурилади.

Яқин орада бу ерда йўлларни кенгайтириш ҳамда автомобиль сақлаш жойини қуриш ҳам режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 100 миллион долларга яқин. Унинг Auto Solution компанияси томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, айни дамда ушбу жойнинг ҳолати яхши эмас. Бозор биноси авария ҳолатига келиб қолган. Сотувчиларнинг маҳсулотларни ерга қўйиб сотиш ҳолатлари кузатилмоқда.

СЕВИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИГАН МУЗҚАЙМОҚ – ТОШКЕНТДА!

Янги йил кунлари Ўзбекистонда франчайзинг асосида фаолият юритувчи халқаро брендлар сони яна биттага ортди – мамлакатимизга "Баскин Роббинс" музқаймоқ бренди кириб келди.

Бренднинг Тошкентдаги илк кафеси Samarqand Darvoza кўнгилочар савдо марказининг иккинчи қаватида очилди. Кафеда "Баскин Роббинс" музқаймоғининг 30 дан ортиқ турлари: қаймоқли музқаймоқ, шакарсиз музқаймоқ, сорбетлар, шарбатлар, музлар, шунингдек, ширинликлар, сутли коктейллар ва пиширириқлар тақдим этилган.

Компания яқин келажакда Next, Compass КСМлари, Samarqand Darvoza савдо марказининг фудкортида, шунингдек, Anhor Lokomotiv боғи ҳудудларида савдо шохобчаларини очишни режалаштирган.

Таъкидлаш жоизки, "Баскин Роббинс" жаҳондаги энг йирик музқаймоқ-кафелар тармоғи ҳамда музқаймоқ турлари ва навлари бўйича жаҳон етакчисидир. Маҳсулот Ўзбекистонга Россиядан келтирилади.

(Ўз мухбирларимиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2019 йил 11 февралда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) савдоларида давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат объектларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– қўшимча инвестиция мажбуриятларини олиш;

– янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

– сотиб олиш тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиздан кам бўлмаган закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– таклифлар (бизнес-режалар) солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

– *нодавлат юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (зарур бўлганда);

талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (мавжуд бўлганда).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо ғолибига Бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни/буюртманомаларни қабул қилиш оферта савдосини ўтказиш бошланишидан 1 иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Музокаралар 2019 йил 11 февраль куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй манзилида ўтказилади.

Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 26 февраль, 13 март кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: (71) 233-35-08, 233-21-40.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оферта) савдолари орқали сотилиши белгиланган давлат активлари

РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Бино-иншоотлар майдони (кв.м.)	Асос	Бошланғич баҳоси (сўм)	Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар
1	Меҳмонхона биноси	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 55 (5а)-уй	"Иззат" МЧЖ	270	ВМ-291 17.05.17й.	579 168 500	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни энг қисқа муддатларда амалга ошириш.
2	Қурилиши тугалланмаган сув ҳавзаси биноси	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уй	Тошкент шаҳар, Сергели тумани Халқ таълими бўлими	1 569	ВМ-590 04.08.17й.	4 309 449 887	



Футбол янгиликлари

КЕЙРУШ ШОГИРДЛАРИ ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАР

БАА яшил майдонларида ташкиллаштирилган футбол бўйича Осиё чемпионатида қатнашаётган терма жамоаларнинг аксариятида хорижлик мутахассислар бош мураббий сифатида фаолият юритаётганликлари учрашувларнинг муросасиз ўтишини таъминламоқда.

7 январь куни "С" гуруҳи вакиллари ўртасида 1-тур баҳслари уюштирилди. Ал-Айн шаҳрида ўтказилган Хитой — Қирғизистон терма жамоалари ўйинини кўпгина мутахассислару, мухлислар қизиқиш билан кузатишгани аниқ. Чунки кейинги йилларда халқаро турнирларда анча сермазмун ўйин намойиш этаётган қирғизлар Марчелло Липни бош мураббийлигидаги Хитой терма жамоасига қарши муносиб ўйин намойиш этишади, деб тахмин қилинганди. Дарҳақиқат, ён қўшниларимиз биринчи бўлимда чин юрти чарм тўп усталарига қараганда фаол ўйнашди, ҳатто рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Аммо, иккинчи бўлимда ён қўшниларимиз ушбу ҳисобни сақлаб қолиш ниятида ҳимояланишга зўр беришди. Хитойликлар эса ҳужумкор ўйин намойиш этиб, икки марта қирғизлар дарвозасига гол киритишди. Ўйин 2:1 ҳисобида якунига етди.

Ушбу гуруҳдаги Жанубий Корея — Филиппин учрашуви анча қизиқарли кечди. Ўйиннинг 67-дақиқасига қадар филиппинликлар номдор рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб боришди. Хван Уи Жо томонидан 68-дақиқада киритилган ягона гол ўйин охирига қадар ўзгармай қолди ва жанубий кореяликларга 1:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди.

Қитъа биринчилигининг "Д" гуруҳи вакиллари Эрон ҳамда Яман терма жамоалари учрашуви Карлуш Кейруш шогирдларининг чемпионликка асосий даъвогар эканликларини кўрсатиб берди. Учрашув эронликларнинг 5:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Шу куни мухлислар А.Дежага, М.Торими (2 та), С.Азмун, Г.Саман томонидан дарвозага киритилган чиройли голларга гувоҳ бўлишди.

Баҳслар давом этмоқда.

РАМЗИЙ ЖАМОАДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҲАМ БОР

Ҳар бир йирик турнир якунида энг яхши футболчилардан ўзига хос рамзий терма жамоа шакллантирилиши одатий ҳол.

Осиё кубоги ҳам бундан мустасно эмас. Қитъа чемпионатининг илк рамзий терма жамоаси ОК-1980дан кейин аниқланган, бироқ 1984-1992 йиллар оралиғида уюштирилган 3 та Осиё кубоги турнирида негадир рамзий терма жамоа аниқланмаган. 1996 йилдан эътиборан мунтазам равишда рамзий терма жамоа тузилмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, энг яхшилар қаторида бизнинг футболчилар ҳам эътироф этилган. Хусусан, қитъанинг икки карра энг яхши футболчиси Сервер Жепаров рамзий терма жамоадан икки марта ўрин эгаллаган. Шунингдек, Виталий Денисов ва Одил Аҳмедов ҳам бир мартадан кучлилар сафида эътироф этилган. Бу 2007 ҳамда 2011 йилларда уюштирилган Осиё кубоги мусобақаларидан кейин содир бўлган.

ЖИСМОНИЙ ҲОЛАТГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоасига 2020 йилда Токиода уюштириладиган ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Шу боис ҳам ЎФА ташаббуси билан олимпия терма жамоасига қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Ўтган йил декабрь ойида Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги олимпиячиларимиз ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишган эди. Унда мураббийлар олимпия терма жамоасига номзод футболчиларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий ҳолатини яна бир бор синовдан ўтказишганди.

Эндиликда олимпиячиларимиз яна ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишмоқда. 25 январга қадар давом этадиган йиғинда асосан футболчиларнинг жисмоний ҳолатига жиддий эътибор қаратилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Саломатлик – туман бойлик

ЮҚУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда улар хавфининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактик ишларни самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чоралар кўриш имконини бермаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Негаки, аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастлигича қолаётгани натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликларни даволашга қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 18 декабрда қабул қилинган "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг олдини олиш, даволаш ҳамда назорат қилиш, барвақт ўлим ҳолатлари ва жамият учун касалликлар юкини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан соғлом турмуш тарзини шакллантиришдек эзгу ишларни янада такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция бўйича аҳолининг юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини оширишга янада аҳамият қаратилади.

Ҳеч кимга сир эмас, носоғлом турмуш тарзи ва жисмоний нофаоллик натижасида аҳоли ўртасида турли юқумли бўлмаган касалликлар кузатилмоқда. Масалан, юрак-қон томир, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари, инсульт, хавфли ўсмалар ва қандли диабет каби юқумли бўлмаган касалликлар ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг асосий сабабига айланиб қолмоқда. Бу касалликлар асосан юқори қон босими, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, қонда холестерин миқдорининг меъёридан ортиши, ортиқча тана вазни, мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик ва суст жисмоний фаоллик каби хавфли омиллар туфайли юзага келади.

Мутахассислар хавфли омиллар профилактикаси ва юқумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини яхшилаш орқали мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар сабабли кузатиладиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидламоқда.

Албатта, фуқароларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш бўйича тарғибот ишлари етарли даражада эмаслиги ҳам бундай касалликларнинг кучайишига замин бўлаётир. Минг афсуски, мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар фақат миқдорий ва статистик аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Биргина 2017 йилда бу борада 200 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди, лекин улар самарали ва таъсирчан натижаларни бермагани ҳақиқатдир.

Президентимизнинг юқорида зикр этилган қарори ижроси бу борадаги муаммоларни бартараф этиш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Ушбу қарордан келиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишлаб чиққан концепцияга кўра, таълим, тиббиёт, спорт муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва жамоат жойларида соғлом муҳитни шакллантириш бўйича нодавлат сектор ролини кучайтириш, аҳоли ўртасида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизмларини жорий қилиш ва унинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва уларни назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотлар маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, грантлар ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан барқарор молиялаштириш чораларини кўриш режалаштирилди.

Шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази негизида давлат муассасаси шаклида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳузурида юридик шахси ташкил этмаган ҳолда марказнинг ҳудудий бўлимлари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги "Саломатлик" марказлари негизида юридик шахси ташкил этмаган ҳолда марказнинг туман ва шаҳар бўлинмалари ташкил этилади. Бу муассасаларнинг асосий мақсади эса аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирларни ўтказишдир.

Қарор ижросида нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва тарқалиши даражасини камайтириш, кенг кўламда тушунтириш ишларини ташкил қилиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзи гарови сифатида тўғри овқатланиш тарғиботини кучайтиришга катта аҳамият берилади. Масалан, мазкур ҳужжатнинг яна битта асосий бандларидан бири – 7-бандида кўрсатилганидек, Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 декабрига қадар кенг доирада ўтказиладиган жамоатчилик муҳокамалари натижасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмолини чеклаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режасини қабул қилади.

Эътибор берадиган бўлсак, аҳоли ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш у даражада тақиқланмаган эди. Энди ушбу қарор билан жамоат жойлари ва транспортнинг белгиланмаган жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмоли учун жавобгарлик кучайтирилади.

Қарордаги 10-банд ижроси ҳам ҳар бир инсон учун фойдали бўлиб, давлат органлари ва ташкилотларида иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларига кенг ўрин берилади. Бунда ҳафтасига камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда иштирок этишини назарда тутадиган "Саломатлик куни" ташкил этилади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори ижроси аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришдек улуғ ва хайрли ишлар сирасидан бўлиб, бунда нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик вакилларининг иштироки мақсадга мувофиқдир.

Азизбек НИЗОМОВ,
Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари

СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларни ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи ортмоқда.

Хабарингиз бор, маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибида бир қатор комиссиялар иш олиб боради. Хусусан, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси фаолиятини жонлантириш давр талаби. Шу боисдан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиқиб, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, бу йўналишда ҳамкорликда турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш муҳимдир.

Бу борада Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси яқиндан ҳамкорлик қилади. Шу мақсадда иккала ташкилот раҳбарлари ўртасида меморандум имзоланди.

Мақсад республикамизда футболни ривожлантириш, оммалаштириш ва мухлислик маданиятини ошириш, шунингдек, Республика Маҳаллалар кенгаши муассислигидаги нашрлар ёрдамида соғлом турмуш тарзини ҳамда оммавий футболни тарғиб қилиш, бундан ташқари, маҳаллалардаги барча ёшдаги аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш, спорт ва футболни тарғиб этувчи республика, вилоят ва туман миқёсидаги тадбирлар ташкил этилади. Бунда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларни футбол билан шуғулланишга кенг жалб этиш, футбол бўйича Суперлига ва Про-лига, Ўзбекистон Кубоги ва бошқа мусобақаларни томоша қилиш мақсадида стадионларга келиш истагида бўлган маҳалла аҳлини, хусусан уюшмаган ёшларни томошабин сифатида жалб этиш ишларини амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари маҳаллаларда таниқли футболчилар, мураббийлар ва ҳакамлар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ва мастер-класслар уюштирилади.

Футболни оммалаштириш мақсадида маҳалла аҳолиси, шу жумладан уюшмаган ёшлар ўртасида турли мусобақалар, фестиваллар ва турнирларни мунтазам равишда ташкил этишга аҳамият қаратилмоқда. Фахрий футболчилар, футбол мураббийлари ва иқтидорли футболчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш, истеъдодли ёшларни спортга жалб қилиш, футболчиларнинг янги, истеъдодли авлодини шакллантиришга ҳисса қўшиш, шунингдек, ҳамкорликдаги фаолиятни матбуот нашрлари, интернетдаги веб-сайтлари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун албатта, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари доирасидаги вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш мақсадида қўшма режа ҳамда чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий Кенгашлар ҳамда профессионал футбол клублари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан икки томон ҳам манфаатдордир.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, форум ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, унда малакали мутахассислар иштирокини таъминлаш йўлга қўйилади.

Арофат УМАРОВА,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши Ахборот хизмати раҳбари

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ўқув техника спорт клуби" унитар корхонасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган "Биз ватанпарварларимиз!" деб номланган тадбир ташкил этилди.

МАРД ВА ЖАСОРАТЛИ ЁШЛАРНИНГ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган тадбирда спортчи ёшлар спорт мураббийларидан олган билимлари, маҳоратларини намоён этишди. Иштирокчилар ўртасида спортнинг техник ва амалий турлари туркумига киритилган ўқ отиш ва дуатлон (масофага югуриш, велосипедда фигурали ҳайдаш) мусобақаси ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ўқув техника спорт клуби" унитар корхонасида неча йилдирки ўқ отиш, триатлон, биатлон спорт турлари билан ёшлар шуғулланиб келмоқда. Улар спорт турлари бўйича кўплаб мусобақаларда қатнашиб, шаҳар, республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллашаётгани қувонарли ҳол.

Айнан Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилаётган тадбирлар ҳам ёш авлодни спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш орқали жисмонан баркамол, мард, қатъиятли ва матонатли бўлишлари, улар қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотишга қаратилмоқда.

Қизғин ва дўстона руҳда ўтган мусобақа натижалари бўйича ғолиб чиққан спортчи ёшларга "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ўқув техника спорт клуби" унитар корхонаси томонидан дипломлар ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки бундай мусобақалар ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш билан бирга уларни спорт турларига бўлган қизиқишининг ортишига хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

ЙЎЛОВЧИНИНГ ҚИНҒИР ИШИ АМАЛГА ОШМАДИ

Божхоначилар 3 минг донадан ортиқ линзаларни олиб киришга уринган поезд йўловчисини тўхтатиб қолишди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари сифати кафолатланмаган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотларнинг юртимизга ноқонуний олиб кирилишига чек қўйишди.

Постга кириб келган поезд йўловчиларининг қўл юкларини назоратдан ўтказиш чоғида фуқаро К.А. дастлабки ҳисоб-китобларга кўра умумий қиймати 44,5 миллион сўмлик 3 минг донадан кўпроқ кўз линзаларини божхона назоратидан беркитиб, олиб келаётганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан "DICOM SERVIS" оилавий корхонаси номига Тошкент шаҳри, Сергели тумани, "Учувчилар" шаҳарчасида жойлашган "Мулк" учун берилган (кадастр рақами 10:06:01:01:01:0042) (реестр № 2-1006-18-426) кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан "INTERGLOBE" шўъба корхонаси номига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Асака кўчаси, 25-уйда жойлашган "Офис ва омборхона" учун берилган (кадастр рақами 8016371204) (реестр № 9-111-2005) кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Миробод тумани саноат касб-ҳунар коллежи томонидан Саримсақова Шахсанам Хурсанали қизи номига 2009 йилда берилган К № 1438014 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 0-2, кундузи – 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95; факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-146

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2126 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14:40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ